



**Ta'limni rivojlantirish  
respublika ilmiy-metodik  
markazi**



ҚР Оқу-ағарту министрлігі  
«Өрлеу» БАҰО» АҚ  
Түркістан облысы бойынша  
кәсіби даму институты» филиалы

# Таълимда функционал саводхонлик ва рақамли технологиялар (Қозоғистон тажрибаси)

Ташева Зухра Исламбековна



# Режа

1. Таълимида функционал саводхонлик тушунчаси.
2. Она тили фанидан функционал саводхонликни орттириш учун топшириқлар тайёрлаш.
3. Сунъий интеллектдан фойдаланиш маданияти.
4. Интерфаол таълим платформалари – тил таълимидаги муҳим йўналиш.

*“Тил дарси — қоида эмас, фикр майдони”*



## Қозоғистонда янгиланган таълим тизимининг тадбиқ этилиши ва унинг моҳияти

Қозоғистонда мактаб таълимини модернизация қилиш мақсадида 2016 йилдан бошлаб янгиланган таълим мазмуни босқичма-босқич жорий этилди. Бу ислоҳот ўқувчиларнинг амалий кўникмалари ва функционал саводхонлигини ривожлантиришга қаратилган.

### *Компетенцияга асосланган таълим*

*Дарслар фақат билим беришга эмас, балки:  
таҳлил қилиш  
муаммони ҳал қилиш  
ижодий фикрлаш  
каби кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.*

### *Ўқувчи марказда таълим*

Янги тизимда:  
ўқувчи фаол иштирокчи ўқитувчи эса йўл-йўриқ кўрсатувчи ролини бажаради.  
Дарсларда:  
гуруҳли ишлар  
лойиҳа ишлари  
тадқиқот топшириқлари  
кенг қўлланади.

### *Критериал баҳолаш тизими*

#### *Форматив баҳолаш*

дарс давомида  
ўқувчини қўллаб-қувватлаш

#### *Сумматив баҳолаш*

бўлим якуни  
чорак якуни  
Бу тизим ўқувчининг:  
билим даражасини  
кўникмаларини  
функционал саводхонлигини  
аниқлашга ёрдам беради.

# Қозоғистон Республикасининг “Педагог мақоми ҳақида”ги қонун 2019 йилда қабул қилинган

Қонуннинг асосий мақсадлари:

ўқитувчининг жамиятдаги нуфузини ошириш;

педагогларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ортиқча ҳисобот ва маъмурий ишлардан озод қилиш;

меҳнат шароитини яхшилаш;

педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

## Педагогларнинг аттестациядан ўтиши

Аттестациянинг мақсади:

педагогнинг касбий компетенциясини баҳолаш  
таълим сифати ва ўқитиш самарадорлигини ошириш  
ўқитувчиларнинг касбий ривожланишини рағбатлантириш

## Педагогларнинг малака тоифалари

- Аттестация натижасига кўра педагогларга қуйидаги тоифалар берилади:
- педагог-модератор – 25%
- педагог-эксперт – 35%
- педагог-тадқиқотчи – 40%
- педагог-мастер – 50%
- Тоифа ошгани сари педагогнинг **маоши ва ижтимоий мақоми ҳам ошади**

## Аттестация жараёни

- тест синовидан ўтади
- педагогик фаолияти бўйича портфолио тақдим этади
- ўқувчилар натижалари ва дарс самарадорлиги баҳоланади
- Бу жараён педагогларни **доимий касбий ривожланишга ундайди.**

# Функционал саводхонлик — инсоннинг ўқиш, ёзиш ва фикрлаш кўникмаларини реал ҳаётий вазиятларда қўлай олиш қобилиятидир

Анъанавий:  
Матнни ўқинг.  
Мазмунини айтинг.  
Функционал:  
Матндан  
фойдаланиб қарор  
қабул қилинг.  
Матн асосида  
муурожаат ёзинг.  
Матнни икки нуқтаи  
назардан таҳлил  
қилинг.

Оддий  
саводхонлик ва  
функционал  
саводхонлик фарқи

Бунда дарслар  
орқали ўқувчиларда:  
матнни чуқур  
тушуниш, ахборотни  
таҳлил қилиш,  
фикрни далиллаш  
мулоқот маданияти  
танқидий фикрлаш  
каби кўникмалар  
шаклланади ҳамда  
ўқувчининг нафақат  
дарсда, балки ҳаётда  
ҳам муваффақиятли  
бўлишига ёрдам  
беради.

Тил таълимида  
функционал  
саводхонликнинг  
аҳамияти

Тил таълимида қуйидаги  
4 та кўникма муҳим:  
1. Матнни тушуниш:  
матндаги асосий фикрни  
аниқлаш  
2. Ахборотни таҳлил  
қилиш: фикрлар  
ўртасидаги боғланишни  
кўриш  
3. Хулоса чиқариш:  
матндан янги маъно ҳосил  
қилиш  
4. Ахборотни қўллаш: матн  
асосида қарор қабул қилиш  
ёки фикр билдириш.

Функционал  
саводхонликнинг  
асосий  
компонентлари

# Функционал саводхонликнинг асосий компонентлари



# Она тили фанидан функционал саводхонликни орттириш учун топшириқлар тайёрлаш.

## 1. Матнни таҳлил қилишга қаратилган топшириқ

Матн:

Шаҳарда янги кутубхона очилди. Унда замонавий китоблар, электрон ресурслар ва ёшлар учун махсус ўқув заллари ташкил этилди.

Топшириқ:

1. Матндаги асосий ғояни аниқланг.
2. Кутубхонанинг жамият учун қандай аҳамияти бор?
3. Агар сиз ёшлар маркази раҳбари бўлсангиз, кутубхона фаолиятини яна қандай ривожлантирар эдингиз?

 Бу топшириқ:

- тушуниш
- таҳлил
- фикр билдириш кўникмасини ривожлантиради

## 2. Ҳаётини вазият асосидаги топшириқ

Вазият:

Синфингизда китобхонлик танлови ўтказилмоқда.

Топшириқ:

• Дўстларингизни танловда қатнашишга чақирувчи эълон матни ёзинг.

• Эълонда қуйидагилар бўлсин:

- танлов мақсади
- ўтказилиш вақти
- қатнашиш шартлари

 Бу топшириқ:

- ёзма нутқ
- ахборотни тўғри етказиш
- ижодий фикрлашни ривожлантиради.

# Она тили фанидан функционал саводхонликни орттириш учун топшириқлар тайёрлаш.

## 3. Муаммоли саволли топшириқ

### Матн:

Баъзи ёшлар кўпроқ вақтни ижтимоий тармоқларда ўтказиб, китоб ўқишга кам вақт ажратишмоқда.

### Топшириқ:


1. Бу ҳолатнинг сабабларини айтинг.
2. Китобхонликни ошириш учун қандай таклифлар берган бўлар эдингиз?
3. 3–4 жумладан иборат фикрингизни ёзинг.

📌 Бу топшириқ:

- танқидий фикрлаш
- муаммога ечим топиш
- далиллаш кўникмасини ривожлантиради.



# Сунъий интеллектдан фойдаланиш маданияти



Сунъий интеллект технологиялари таълим соҳасига кенг кириб келмоқда. Масалан, OpenAI томонидан яратилган ChatGPT каби тизимлар ўқувчиларга ахборот излаш, матн яратиш ва билимларни мустаҳкамлашда ёрдам беради. Бироқ сунъий интеллектдан фойдаланиш фақат тайёр жавоб олиш эмас, балки уни тўғри ва масъулият билан қўллаш маданиятини шакллантиришни талаб қилади.


**✿ Сунъий интеллект (СЗ) ёрдамида бажариладиган топшириқлар (ўқувчи — СЗ — таҳлил формати)**

*Ҳар бир топшириқ уч босқичдан иборат:*

- 1. Ўқувчи СЗ га промпт беради.**
- 2. СЗ берган жавобни олади.**
- 3. СЗ жавобини таҳлил қилади, тузатади ва тўлдиради.**

**Бу формат ўқувчининг танқидий фикрлашини, тил саводхонлигини ва масъулиятини ривожлантирадиган энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.**

# “Анъанавий ўқитувчи ва замонавий ўқитувчи – ким ютади?”



Анъанавий  
ўқитувчи





Замонавий  
ўқитувчи

# Интерфаол таълим платформалари – тил таълимидаги муҳим йўналиш

Интерфаол таълим платформалари — ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида фаол мулоқотни таъминлайдиган, ўқув жараёнини рақамли муҳитда ташкил этишга хизмат қилувчи онлайн воситалардир.

Бу платформалар:



# Энг самарали интерфаол платформалар

## 1. Quizizz

- онлайн тестлар
- мусобақа шаклида баҳолаш
- дарсга қизиқишни оширади.



<https://wayground.com/join/>

## 2. Wordwall

- интерактив машқлар
- сўз ўйинлари
- грамматика топшириқлари.



<https://wordwall.net/0>

## 3. Padlet

- жамоавий фикр ёзиш
- муҳокама ташкил қилиш
- матн таҳлили.



<https://padlet.com/>

## 4. Google Forms

- тестлар
- диагностика
- автоматик баҳолаш.

# Қуйида айрим платформаларда яратилган топшириқларни кўриб чиқамиз

<https://learningapps.org/display?v=p9tpo2owa24>

<https://learningapps.org/display?v=pkenhqit525>

<https://wordwall.net/ru/resource/99512761>

*Эътиборингиз учун*

*рахмат!*

